

**АЖ «UZVAT A.O.» ҚК
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
ТОМОНИДАН
2022 ЙИЛ 27 МАЙДА
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**ГАДАЙБАЕВ Т.У.
АЖ «UZVAT A.O.» ҚК
БОШ ДИРЕКТОРИ**



**АЖ «UZVAT A.O.» ҚК
(«UZBAT»)
ИЖРО ОГАНИ ҲАҚИДА
Н И З О М**

ТОШКЕНТ 2022

Мазкур АЖ «UZBAT А.О.» ҚК Ижро органи ҳақидаги Низом» («Низом») Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 14, 79 ва 80-моддалари қоидалари асосида ишлаб чиқилган. «Акциядорлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ 760- сон» Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш» ва УЗБАТ уставнинг 30- моддаси янги таҳрида.

1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда, ЎЗБАТ Уставида ишлатиладиган, қуйида белгиланган таърифлар қўлланилади:

«Устав»	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Ягона дарча” тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан рўйхатга олинган “УЗБАТ АО” акциядорлик жамиятининг янги таҳридаги Уставни билдиради <u>8 июн</u> 2022 йил, рўйхатга олиш рақами 1246.
«Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши»	УЗБАТ юқори бошқарув органини билдиради.
«Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Кузатув кенгаши»	Уставнинг 25-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Бош Директор»	Уставнинг 30-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Тафтишчи»	Уставнинг 35-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Аудиторлик ташкилоти»	УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш учун тайинладиган аудиторлик ташкилотини билдиради.

1.2 Изоҳлар

Мазкур Низомда, агар контекст бошқасини талаб этмаса, фақат бирлик сонидан ифодаланган сўзлар, кўплик сонини ҳам ўз ичига олади ва аксинча.

2. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

- 2.1 Мазкур Низом УЗБАТ Ижро органининг мақомини, уни тайинлаш тартиби, ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.
- 2.2 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонунининг 26.04.96 йилдаги янги таҳрири ва УЗБАТ Устави янги таҳрири асосида ишлаб чиқилган.

3. ИЖРО ОРГАНИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

- 3.1 Бош Директор УЗБАТ яккашахс ижро органи ҳисобланади.
- 3.2 Бош Директор УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан Уставнинг 16.4 банди билан белгиланган низомларни ҳисобга олган ҳолда тайинланади. Бош Директор лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлашда қарорлар Кузатув Кенгаши мажлисида иштирок этаётган ва овоз бераётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози йўли билан Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

- 3.3 Бош Директор лавозимига номзод уни жиноий, маъмурий ва бошқа жавобгарликка тортилиши фактлари ҳақида Кузатув Кенгаши аъзоларини хабардор қилиши зарур. Кузатув Кенгашининг Раиси, ёки УЗБАТ Кузатув Кенгашининг ваколатли шахси, Бош Директор лавозимига номзодларга меҳнат шартномаси тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун пул мукофотлари миқдорлари ҳақида хабар беради.
- 3.4 Бош Директор лавозимига номзодлар, Кузатув Кенгашининг номзодлар кўриб чиқиладиган мажлисида иштирок этишлари мумкин.
- 3.5 Кузатув Кенгаши томонидан Бош Директор лавозимига таклиф этилган номзод маъқуллангандан сўнг, Бош Директор билан меҳнат шартномаси тузилади. Бош Директор билан меҳнат шартномаси ҳар йили унинг муддатини узайтириш ёки тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиниб, уч (3) йил муддатга тузилади. Бош директор билан тузиладиган Меҳнат шартномасини имзолаш ҳуқуқи Кузатув Кенгаши Раиси ва/ёки Кузатув Кенгаши ваколати берган шахсга берилади. Бош Директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида УЗБАТ фаолияти самарадорлигини ошириш ва унинг Акциядорлар Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши олдида УЗБАТ йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларининг даврийлиги бўйича мажбуриятлари кўзда тутилган, ва ўрта ва/ёки муддатли истиқболга мўлжалланган УЗБАТни ривожлантириш стратегияси.
- 3.6 Бош Директор вазифаларини бошқа ташкилотлар органларидаги лавозимлар билан биргаликда олиб боришга фақат УЗБАТ Кузатув Кенгашининг розилиги билан рухсат этилади.
- 3.7 УЗБАТ Устави, Ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат шартномаси ёки меҳнат қонунчилиги шартларини қўпол тарзда бузганлиги, ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан зарар етказган тақдирда, Бош Директор бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномасини бекор қилиш билан биргаликда эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиниши мумкин. Бош Директорни эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиниши ва у билан тузилган Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарор Кузатув Кенгаши томонидан, унинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 3.8 УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан Бош Директор билан тузилган Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, Бош Директор ваколатларини бошқа шахсга бериш ҳақидаги масала Кузатув Кенгашининг ўша мажлисида ҳал қилиниши ёки УЗБАТ Бош Директори мажбуриятларини вақтинчалик бажариб турувчини тайинлаб, Кузатув Кенгашининг яқин орада бўладиган мажлисида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.
- 4. УЗБАТ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**
- 4.1 УЗБАТ Бош Директори УЗБАТ номидан ишончномасиз ҳаракат қилади.
- 4.2 Бош Директори ваколатларига УЗБАТ жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш киради, Акциядорлар Умумий мажлиси ёки Кузатиув Кенгаши ваколатларига кирадиган масалалар - бундан истисно.
- 4.3 УЗБАТ Бош Директори қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 4.3.1 УЗБАТ номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, бошқа ташкилотлар ва органлар , шу жумладан давлат органлари билан ўзаро муносабатларда УЗБАТ манфаатларини намоён қилади;
- 4.3.2 УЗБАТ бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш;

- 4.3.3 УЗБАТ ҳар кунги хўжалик фаолиятининг ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат аспектларини бошқариш;
- 4.3.4 Контрактлар ва шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;
- 4.3.5 УЗБАТ ходимларидан меҳнат шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари ва УЗБАТнинг бошқа амалдаги қоидалари ва низомларини тегишли даражада бажаришларини талаб қилиш;
- 4.3.6 УЗБАТ ходимлари билан меҳнат шартномалари тузишга ваколатлик ҳуқуқини бериш;
- 4.3.7 УЗБАТ ходимлари билан меҳнат шартномалари тузилганда улар учун хизмат ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;
- 4.3.8 УЗБАТ номидан ишончномалар бериш;
- 4.3.9 банкларда УЗБАТ ҳисоб рақамлари ва бошқа рақамларини очиш ва ёпиш;
- 4.3.10 битимлар тузиш, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгашининг мутлақ ваколатларига кирадиган битимлардан ташқари;
- 4.3.11 УЗБАТ Уставида келишилган миқёсда мулк ва пул маблағларини бошқариш;
- 4.3.12 унга бўйсинадиган барча ходимлар учун мажбурий бўлган, УЗБАТ фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;
- 4.3.13 УЗБАТ ходимлари томонидан меҳнат интизоми бузилган тақдирда, уларга нисбатан интизомий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаб, ушбу ваколатлар ҳуқуқининг ваколатини бериш;
- 4.3.14 УЗБАТ ходимларини рағбатлантиришни амалга ошириш;
- 4.3.15 УЗБАТ тузилмасини ва штат жадвалини тасдиқлаш, УЗБАТни малакали ходимлар билан бутлаш;
- 4.3.16 Банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тасдиқлаш;
- 4.3.17 УЗБАТ номидан жамоа музокараларида иштрок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;
- 4.3.18 Ўз номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ваколатларига кирадиган алоҳида масалаларни ҳал қилишни топшириш;
- 4.3.19 Кузатув Кенгаши билан келишган ҳолда, Акциядорлар Умумий Йиғилишининг ташкилотчиси ва координатори ҳисобланади, шу жумладан Акциядорларга Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабарномалар юборади, Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бошқа барча масалаларни ҳал қилади ва керакли ҳужжатларни тайёрлайди.
- 4.3.20 Компаниянинг коллегиял ижро органи ҳисобланмайдиган УЗБАТ Дирекцияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, Дирекция аъзолари билан меҳнат шартномалари тузиш.
- 4.4 УЗБАТ Бош Директорининг мажбуриятлари:
- 4.4.1 Ўз хизмат ваколатлари доирасида УЗБАТ жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгашининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар бундан истисно;
- 4.4.2 Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- 4.4.3 УЗБАТ ишлаб чиқариш бирликлари, цехлари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг самарали ўзаро муносабатларини таъминлаш;

- 4.4.4 УЗБАТ шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда даромадлар олинishiни таъминлаш;
- 4.4.5 УЗБАТ бизнес-режаси ва дастурларини ишлаб чиқилишига, уларнинг ташкил этилиши ва назорат қилинишига раҳбарлик қилиш;
- 4.4.6 Кузатув Кенгашига УЗБАТ йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисида ҳар чораклик ҳисоботлар тақдим этиш;
- 4.4.7 УЗБАТ фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- 4.4.8 УЗБАТда бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг тегишли ҳолатини ва ҳаққонийлигини ташкил этиш, ҳар йилги ҳисобот ва бошқа ҳисоботларни, ҳамда Акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга УЗБАТ фаолияти ҳақида юбориладиган маълумотларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этиш;
- 4.4.9 Кузатув Кенгаши, Тафтишчи ва аудиторлик ташкилотининг талабларига кўра, УЗБАТ молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни тўсиқларсиз тақдим этиш;
- 4.4.10 Давлат статистик ҳисоботларини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- 4.4.11 УЗБАТ тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни сақлаш, агар унинг мажбуриятлари доирасига бундай маълумотларни учинчи шахсларга узатиш кирмаса;
- 4.4.12 УЗБАТ ходимлари томонидан хизмат ва тижорат сирига эга бўлган маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;
- 4.4.13 УЗБАТни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимлар билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;
- 4.4.14 меҳнат ва технологик интизомини қўллаб қувватлаш;
- 4.4.15 УЗБАТ ходимларининг ижтимоий қафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя қилинишини таъминлаш;
- 4.4.16 Жамоа шартномалари ва битимлар тузганда иш берувчи сифатида чиқиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- 4.4.17 Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгашига унинг ваколатлари доирасида кирадиган ишларнинг ҳолати ҳақидаги маърузаларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- 4.4.18 Акциядорлар томонидан амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган маълумотларни олиш, Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқларига риоя этиш;
- 4.4.19 Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ички ҳужжатларда кўзда тутилган низомларга риоя қилиш.
- 4.4.20 Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва/ёки томонидан ваколат қилиб бериладиган бошқа мажбуриятларни бажариш.

5. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1 Бош Директор УЗБАТ тасарруфидаги мулкдан шахсий манфаатлари йўлида ҳаракатларнинг амалга оширилишига йўл қўймаслиги лозим.
- 5.2 Бош Директор ушбу лавозимдаги меҳнати фаолияти давомида, фаолияти маҳсулотларни сотиш ёки УЗБАТ хизматларини кўрсатганда фаолияти қийинчиликлар туғдирадиган

корхоналарни таъсис этишда ёки таъсис этилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бош Директор УЗБАТга лавозимга тайинланганда шунга ўхшаш корхоналардаги иштирокини тўхтатиб қўяди ва бу ҳақида Кузатув Кенгашига хабар бериши лозим.

- 5.3 УЗБАТ Бош Директори ўз ҳуқуқларини амалга оширганда ва ўз мажбуриятларини бажарганда УЗБАТ манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши лозим ва ўрнатилган тартибда жавобгарликка эга бўлади.
- 5.4 УЗБАТ акцияларининг камида 1% (бир фоизи)нинг эгаси ҳисобланган УЗБАТ Акциядори (Акциядорлари), УЗБАТ Бош Директорига нисбатан УЗБАТга етказилган зарарларни қоплаш юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.